

## ТВ-115/22- сонли ШАРТНОМА

Баҳолаш ҳужжатларини экспертиза қилиш хизматларини кўрсатиш бўйича.

Тошкент шаҳри

14.03.2022 г.

«ТАНЛИЛ ВА ВАНО» МЧЖ - келгусида «Ижрочи» деб юритилади) номидан жамият директори Н.Ч.Садаев, корхона Устави ва экспертиза фаолияти тўғрисидаги лицензия (регистрация раками билан руйхатга олинган баҳоловчи ташкилотлар ассоциациясининг аъзолиги тасдиқловчи сертификати; суғурта полиси раками: № Р1-2/3-7/624, 30.09.2020 йил «ALSKOM» суғурта компанияси томонидан берилган)га асосан иш юритувчи ва иккинчи томондан, «Навоий агрокимёхимоя» ХАЖ (келгусида «Буюртмачи» деб юритилади) тугатиш комиссияси ишчи гуруҳ раҳбари Т.Ф.Пардаев, бир томондан ва куйидагилар тўғрисида ушбу шартномани имзоладилар.

### 1. ШАРТНОМА МАЗМУНИ.

1.1. «Буюртмачи», «Навоий агрокимёхимоя» ХАЖ «Ижрочи» га баҳоланган мол мулкларни (активларни) экспертиза қилиш вазифасини юклайди, «Ижрочи» эса ушбу баҳолаш ҳужжатларини экспертиза қилиш хизматларини кўрсатади.

1.2. Баҳолаш ҳужжатларини экспертиза қилдираётган объектининг номланиши: «Навоий агрокимёхимоя» ХАЖ.

1.3. «Буюртмачи» объектининг манзили: Навоий вилояти, Навоий шаҳри, Навоий кўча 1 б-уй.

1.4. Экспертиза мақсади: Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2021 йил 15 июлдаги «Республикада ўсимликлар карантини ва химояси тизимини тубдан такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги ПФ-6262-сонли фармони ва 2021 йил 15 июлдаги «Ўзбекистон Республикаси ўсимликлар карантини ва химояси агентлигини ташкил қилиш тўғрисида»ги ПФ-5185-сонли қарорига асосан Навоий вилояти, Навоий шаҳри, Навоий кўча 1 б-уйда жойлашган (СТИР: 201425097, Индекс 210100) «Навоий агрокимёхимоя» ХАЖни ихтиёрий равишда тугатиш ишлари бўйича бажарилган объектларни баҳолаш ишлари ҳужжатларини экспертиза қилиш.

1.5. Баҳоланган киймат тури: бозор киймати.

1.6. Шартноманинг 1.1. бандида курсатилган хизматлар ушбу шартнома асосида амалга оширилади.

### 2. ИШ ВА ХИЗМАТЛАР КИЙМАТИ, УЛАРНИ ТОПШИРИШ ВА ТУЛАШ ТАРТИБИ.

2.1. Ушбу шартнома асосида «Буюртмачи» томонидан «Ижрочи»га бажарилган ишлар учун тўланадиган хизмат ҳақки **29 000 000 (ийгирма тўққиз миллион)** сўмни ташкил этади.

2.2. Мазкур шартномага асосан тўланадиган хизмат ҳақки, келишув битими ҳисобланади.

2.3. Мазкур шартнома имзоланган кундан бошлаб «Буюртмачи» сотилган объектлардан тушадиган маблағлар ҳисобидан, «Ижрочи» ҳисоб рақамига 25 иш куни давомида келишилган тўлов суммасини 100% тўлайди.

2.4. «Буюртмачи» беш календар иш куни давомида бажарилган ишлар тўғрисидаги топшириш-қабул қилиш далолатномасини бир нусхасини имзолаб қайтариш мажбуриятини олади, ақс ҳолда шартноманинг 4.2.1. бандига асосан «Ижрочи»га баҳолаш ҳисоботини ёзма равишда бекор қилишини сўраб қайтаради.

### 3. ИШ ВА ХИЗМАТЛАРНИНГ БАЖАРИЛИШ МУДДАТИ.

3.1. Мазкур шартнома бўйича иш ва хизматлар бажарилишининг бошланиш санаси шартнома имзоланган кундан бошланади, шартноманинг 2.3. бандига асосан амалга оширилади.

3.2. Иш ва хизматларнинг тугатилиш санаси «Буюртмачи» томонидан барча ҳужжатлар тақдим этилгандан сўнг 50 иш куни давомида амалга оширилади, «Ижрочи» кўрсатилган муддатдан олдин ҳам ишни бажариш ҳуқуқига эга.

### 4. ТОМОНЛАРНИНГ ҲУҚУҚ ВА МАЖБУРИЯТЛАРИ.

4.1. «Буюртмачи» мажбуриятлари:

4.1.1. Бажарилган ишлари учун хизмат ҳақини тўлаш, шартноманинг 2.1. бандига асосан, «Ижрочи» нинг хизмати учун ва ундан ишни қабул қилиш, шартноманинг 2.4. ва 2.5: бандларига асосан.

4.1.2. Ушбу шартноманинг бажарилишини тқлик таъминлаш учун «Ижрочи»га зарур булган маълумотларни тақдим этиш ва «Ижрочи»ни экспертиза қилинадиган объекти ҳужжатлари билан тўлик таништириш.

4.2. «Буюртмачи» куйидаги ҳуқуқларга эга:

4.2.1 Баҳолаш ҳужжатларини экспертиза қилиш ишнини қабул қилишдан бош тортиш, агарда «Ижрочи» ушбу шартнома бўйича қабул қилинган мажбуриятларни ўз вақтида ва тўлик бажармаса ҳамда урнатилган қонуний ҳужжатларга мувофиқ, роя этмаса.

4.2.2 «Ижрочи» шартномада кўрсатилган муддат бўйича иш ва хизматлар ижросини таъминламаса, «Буюртмачи» иш ва хизматларни бажарилишини давом эттирилишини тўхталишини талаб қилиши мумкин.

4.3. «Ижрочи» мажбуриятлари:

4.3.1. Баҳолаш ҳужжатларини экспертиза қилиш ишларини Ўз. Республикасида белгиланган Баҳолаш фаолияти тўғрисидаги нормативлар ҳамда баҳолаш Стандартлари асосида амалга оширилади.

4.3.2. Ишларни белгиланган муддатда бажариш.

4.4. «Ижрочи» ҳуқуқлари:

4.4.1. Мазкур шартнома бўйича иш ва хизматларни бажариш учун ўз ҳисобидан, шунингдек ўз жавобгарлиги остида мустақил эксперт гуруҳларни жалб қилиш.

4.4.2. Буюртмачидан ҳужжатларни тўлиқлигини ҳамда экспертиза қилиш зарур бўлган қўшимча маълумотларни талаб қилиш.

4.4.3. Баҳолаш ҳужжатларини экспертиза қилиш усулларини мустақил қабул қилиш.

4.4.4. Агар «Буюртмачи» томонидан шартномада кўрсатилган мажбуриятлар бузилса, экспертизага зарур бўлган маълумотларни етказмаса ҳамда шартномада кўрсатилган иш мажбуриятларни таъминламаса ушбу ҳолда экспертиза ишидан бош тортиш ҳуқуқларига эга.

## 5. ТОМОНЛАРНИНГ ЖАВОБГАРЛИГИ.

5.1. Агар «Ижрочи» белгиланган муддатда ишни бажармаса «Буюртмачи»га ҳар бир кечиктирилган кун учун 0,2% миқдорда, лекин шартномада кўрсатилган суммасидан 50% миқдордан оширилмаган ҳолда пеня тўлаш.

5.2. Агар «Буюртмачи» белгиланган муддатда шартномада кўрсатилган суммани тўловни амалга оширмаса «Ижрочи»га ҳар бир кечиктирилган кун учун 0,2% миқдорда, лекин шартномада кўрсатилган суммасидан 50% миқдордан оширилмаган ҳолда пеня тўлаш.

5.3. Томонларнинг шартномада кўрсатилган мажбуриятларни бузганлиги учун тўланган пеня уларни қелгусида бажариладиган ишларидан озод этмайди.

5.4. «Ижрочи» баҳолаш ишларини амалга ошириш учун «Буюртмачи» томонидан тақдим этилган маълумотларини тўғрилигига жавобгар эмас.

5.5. «Ижрочи» баҳолаш ишларини белгиланган муддатда бажармаслигига, агар «Буюртмачи» томонидан керакли ҳужжатлар ва маълумотларни келишилган муддатда етказмаган бўлса, жавобгар эмас.

5.6. Томонлар ўзининг мажбуриятларини бажарилмаганлигига, агарда форс-мажор ҳолатлари бошланса (табiiий офат, уруш, қонунларни ўзгаганлиги ва б.) жавобгар эмас.

## 6. ҚУШИМЧА ШАРТЛАР.

6.1. Мазкур шартномани тузишда, бажарилишида олинган маълумотлар ошкор қилиниши ёки учинчи шахсга берилиши таъқиқланади.

6.2. Томонлар ўртасида мазкур шартноманинги ижроси бўйича юзага келадиган баҳслар, томонларнинг музокаралар йўли билан ҳал қилишдаги барча зарур чора-тадбирларини кўради. Томонлар баҳс ва мунозаралар бўйича узаро қелиша олмасалар, қелишмовчиликлар қонунда белгиланган тартибда кўриб чиқилади.

6.3. Мазкур шартномага барча ўзгартиришлар ва қўшимчалар томонларнинг ўзаро қелишувларига асосан ёзма тарзда расмийлаштирилади.

6.4. Мазкур шартномани тузишда, бажарилишида ҳамда ундаги ўзгартиришлар ва бекор қилишда юзага келадиган муносабатлар Ўзбекистон Республикасининг «Фуқаролик кодекси», шунингдек «Хўжалик юритувчи субъектлар фаолиятининг шартномавий-ҳуқуқий базалари тўғрисидаги қонунига мувофиқ тартибга солинади.

6.5. Мазкур шартнома томонлар имзолаган вақтдан бошлаб қучга қиради ва томонларнинг ушбу шартнома бўйича барча мажбуриятларини бажарганларига қадар амалда бўлади.

6.6. Мазкур шартнома 2 (икки) нусхадда тузилган бўлиб, шундан томонларнинг ҳар бирига биттадан нусха берилади. Шартноманинги икки нусхаси ҳам бир хил (тенг) ҳуқуқий қучга эга.

## 7. ШАРТНОМАНИНГ АМАЛ ҚИЛИШ МУДДАТИ.

7.1. Шартноманинги амал қилиш муддати ушбу шартнома имзоланган кундан бошлаб 31-декабр 2022 йилгача.

## 8. ТОМОНЛАРНИНГ ЮРИДИК МАНЗИЛГОҲЛАРИ.

«И Ж Р О Ч И» :

«ТАНЛИЛ ВА ВАНО» МЧЖ  
РУз, Г.Ташкент, Яккасарайский район, квартал  
Кушбеги, дом 23, квартира 49.  
Ҳисоб рақами: 2020 8000 4004 6685 8001.  
Янгиабадский филиал АО НБ ВЭД РУз  
МҒО: 010771448, ИҲҒҒ: 303329568  
ОКЭД: 168310  
Тел.: +99800 972 99 00

Директор

(имзо)

Садаев Н.Ч.  
(ф.и.о.)

«Б У Ю Р Т М А Ч И» :

«Навоий агрохимёхимоя» ХАЖ  
Манзил: Навоий шаҳри Навоий кўчаси 1 б уй  
х/р: 20210000400428119001,  
ИНН: 201425097,  
МҒО: 000000400. Агробанк Навоий филиали  
МҒО: 00197



Иштирокчи раҳбари  
(имзо)

Т.Ф. Дардаев  
(ф.и.о.)